



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР
ИЖТИМОИЙ-
СИЁСИЙ
ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 78 (9.422) 2000 йил 3 июль, душанба

Сотувда эркин нархда

ДАВР САДОСИ
БАРЧА МАНАБАЛЛАДАН ОЛЧАН СУНТН ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

◆ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жанубий Кореянинг «ДЭУ мотор» компанияси президенти Ким Шин Жонгига қабул қилди. Учрашувда томонлар ҳамкорликнинг бугунги аҳоли, яқин келажакда биргаликда амалга ошириладиган ишлар юзасидан фикр алмашди.

◆ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари кўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Бухоро ва Наманган вилоятларида бажарилиши, кўмита ҳузурида жамоатчилик асосидagi экспертлар гуруҳини тузиш тўғрисидаги ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

◆ Республика Миллий матбуот марказида Конрад Аденауэр фонди ҳамда Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази ташаббуси билан мамлакатимиздаги сиёсий партиялар вакиллари иштирокида «Парламент ислоҳоти — фуқаролик жамияти тараққиётида муҳим қадам» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

◆ Республика «Маҳалла» жамғармасида «Номарказлаштириш — маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг негизи, уларнинг Ўзбекистон кишлоқларида ислохотларни ривожлантиришдаги роли, ҳуқуқий, иқтисодий томонлари ва оммавий-ахборот воситаларида ёритилиши» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

◆ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича ҳукумат комиссияси мажлиси бўлиб ўтди. Унда корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича ҳудудий комиссиялар вакиллари, концернлар, уюшмалар, бирлашмалар ва корхоналар раҳбарлари иштирок этди.

◆ «Маънавият ва маърифат» маркази Фарғона вилоят бўлими, вилоят маданият ишлари бошқармаси ҳамда вилоят телерадиокомпанияси ҳамкорликда мамлакатимиздаги муштараклигининг 9 йиллигига бағишлаб «Водий овози» кўрик-танловини эълон қилди.

◆ «Соғлом авлод» Халқаро хайрия жамғармасида ажойиб тақдирот бўлиб ўтди. «Она ва бола скрининг» дастурига асосан «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси томонидан 80 минг АҚШ долларилик «Дельфия» тиббий ускунаси, 230 минг АҚШ доллари микдоридagi ташбис қўйиш тиббий ускуналари республика скрининг марказига топширилди.

◆ Тошкентда «Божхона қонунчилиги: тажриба, муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари» мавзусида илмий анжуман ўтказилди.

◆ Тошкентдаги Олимпия шон-шухрати музейида Ўзбекистон Давлат ҳисмоний тарбия ва спорт кўмитаси мутахассислари, республика олий спорт маҳорати мактаблари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари билан Малайзиянинг ёшлар ва спорт ишлари бўйича вазир ўринбосари Е. П. Датук Онг Ти Киад бошчилигидаги делегацияси билан учрашуви бўлиб ўтди.

◆ Фарғонада стол тенниси бўйича Ўзбекистон чемпионатининг биринчи босқичи нихосига етди. Мусобақада Тошкент шаҳри ва вилоятдан иккитадан, Фарғона, Андижон, Наманган, Сирдарё, Самарканд, Навоий вилоятларидан биттадан, жами 10 та жамоа вакиллари голиблик учун баҳс юритилди.

ЖАҲОНДА

◆ Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини ўқитиш Султонов бошчилигидаги ҳукумат делегацияси 4-күнлик амалий ташир билан Францияда бўлди. Делегация ўзaro иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш ва мамлакатга Франция сармоясини жалб этишга бағишланган «Ўзбекистонда сотиш ва молия қиритиш» деб номланган анжуманда иштирок этди.

◆ БМТ Бош қотиби Кофи Аннанинг Венгрияга сафари бошланди. Ташир чоғида Бош қотиб Венгрия раҳбари билан минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан музокара-лар ўтказилди.

◆ Кеча Мексикада Президент сайлови бўлиб ўтди.

◆ Эртада Белоруссия ўзининг миллий байрами Мустақиллик кунини нишонлайди.

◆ КХДРда Шимолий ва Жанубий Корея давлатлари Қизил Хоч жамиятлари раҳбарлари ўртасида 50-йиллар бошидаги корей уруши оқибатида ахратиб ташланган оилалар масаласи бўйича музокара-лар бошланди.

◆ Америка ва Британия ҳарбий ҳаво кучлари томонидан Ироқнинг жанубий вилоятларига берилган навбатдаги ракета — бомба зарбалари оқибатида икки киши жароҳат олган.

◆ Италия пойтахти яқинидаги Каstellи Романи районида ҳамда Валле дель Аньене водийсида ва Римнинг барча вилоятларида кучли ер силқиниши юз берди. Унинг кучи ҳақида расмий қайдар хали кўрсатилганича йўқ.

◆ Воронеж яқинида авиахалокат юз берди. СУ-24 русумли оғир жанговар самолёт ҳарбий аэродромга қўнаётганда бошқаруви йўқотиб, ерга қулади.

◆ АҚШ тинчлик корпуси ОИТС касаллигига қарши оммавий кураш эълон қилди. Корпус директорининг гагига қараганда, кенг миқёсдаги тадбирлар асосан Африка қитъасида ўтказилди.

◆ Голландия миллий парламенти биноси олдида асли Молукка оролидан бўлган ва ҳозирда бу мамлакатда истиқомат қилаётган фуқаролар намоийш ўтказди.

◆ Кеча футбол бўйича Европа чемпионати нихосига етди. Қўшимча белгиланган вақтда Италия командаси дарвозасига ягона тўпни йўлаган Франция терма жамоаси «Европа-2000» чемпиони бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Валюта бозорини янада эркинлаштириш ва валюта алмаштириш операцияларини кенгайтиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида

Валюта бозорини эркинлаштириш, валюта алмаштириш операцияларини кенгайтириш ва миллий валютанинг ички конвертациясини босқичма босқич таъминлаш, нақд хорижий валютанинг республика ҳудудида муомалада бўлиши тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатлари бўлишининг олдини олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилди:

1. 2000 йил 1 июлдан бошлаб нақд хорижий валютада етарли ресурсларга эга бўлган 1-иловада кўрсатиб ўтилган ваколатли банкларга республика ҳудудида қўйиладиган иқтисодлаштирилган алмаштириш шохобчалари орқали нақд хорижий валютани эркин харид қилиш ва сотиш операцияларини амалга ошириш ҳуқуқи берилсин.

1-иловада кўрсатиб ўтилган ваколатли банклар валюта алмаштириш операциялари микдорларини кўпайтириш ва ўзларининг алмаштириш шохобчалари тармоғини кенгайтириш чора-тадбирларини кўрсинлар, бундай шохобчалар аэропортларда ва божхона чегараси кесиб ўтиладиган бошқа жойларда, сайёҳлик мажмуаларида, савдо марказларида қўшимча равишда очилишини назарда тутсинлар.

2. Белгилансинки: хорижий валюта билан операциялар ўтказиш учун бош лицензияларга эга бўлган ва 1-иловада кўрсатиб ўтилган тижорат банклари операцияларини фақат нақд хорижий валютани харид қилиш бўйича амалга ошириш ҳуқуқига эга бўладилар. Тижорат банклари томонидан сотиб олинган нақд хорижий валюта ҳар ойда банкларга валюта бозорига 1-иловада кўрсатиб ўтилган тижорат банкларида сотилиши керак;

алмаштириш шохобчалари фаолияти тегишли детекторлар, тестерлар, хорижий валюталарнинг ҳақиқийлигини аниқлаш учун бошқа зарур замонавий асбоб-ускуналар мавжуд бўлган тақдирдагина амалга ошириладиган;

алмаштириш шохобчаларида хорижий валюта чекланмаган микдорда харид қилинади;

алмаштириш шохобчалари томонидан сотиб олинган нақд хорижий валютада унинг кейинчалик алмаштириш шохобчалари орқали сотиш ҳуқуқига фойдаланилиши мумкин;

валюта алмаштириш операциялари ваколатли банклар томонидан ўз маблаглари (илгари алмаштириш шохобчалари орқали сотиб олинган маблаглар ҳам шу жумлага қиради) ва жалб қилинган маблаглар ҳисобига, шу жумладан, микдорларининг валюта тушуми мажбурий сотилгандан кейин қолдиган маблагларини харид қилиш ҳисобига, шунингдек, банкларга валюта бозорига харид қилинган маблаглар ҳисобига амалга оширилади.

3. Тижорат банклари хорижий валютани хорижий валютага бўлган талаб ва тақлифдан қилиб қилиб эркин курс бўйича харид қилиш ва сотиш тавсия қилинсин.

Алмаштириш шохобчаларида нақд хорижий валютани харид қилиш ва сотиш курслари ўртасидаги фарқнинг энг кўп чегараси 5 фоизгача микдорда белгилансин.

4. Белгилансинки: ваколатли банкларнинг алмаштириш шохобчаларида нақд хорижий валюта Ўзбекистон Республикаси резидентларига паспорт кўрсатилган ва хорижий давлатнинг кириш визаси, авиация ёки темир йўл чипталари мажбу бўлган тақдирда 300 АҚШ доллари-гача сотилади;

норезидентларга сўмлар хорижий валютага улар томонидан алмаштириш шохобчасининг тасдиқловчи маълумотномаси тақдим этилган тақдирда илгари сўмга алмаштирилган хорижий валюта микдорига алмаштирилади;

жисмоний шахслар — резидентлар томонидан 5000 АҚШ доллари тенг микдордан ошадиган нақд хорижий валютани олиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг рухсати билан амалга оширилади.

5. Алмаштириш шохобчаси тўғрисидаги низоми тасдиқлансин. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида алмаштириш шохобчаларида валюта алмаштириш операцияларини амалга оширишга йўл қўйиладиган хорижий валюталар рўйхатини халқаро валюта бозорларидagi конвертацияларидан ва курсларнинг барқарорлигини келиб чиқиб белгилаш;

бир ҳафта муддатда марказий аппарат тузилмасида ички валюта бозорига хорижий валютага бўлган талаб ва тақлиф устидан мониторинг бўйича махсус ички гуруҳ ташкил этиш;

15 кун мобайнида 1-иловада кўрсатиб ўтилган ваколатли банкларнинг алмаштириш шохобчалари ҳудудларини валюта алмаштириш операцияларини амалга ошириш қоидаларини билиш юзасидан аттестациядан ўтказиш, кейинчалик уларга аттестация гувоҳномалари бериш;

ваколатли банкларнинг валюта ресурслари кўпайишига қараб нақд хорижий валютани харид қилиш ва сотиш бўйича операцияларини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган банклар тармоғини кенгайтириш юзасидан тақлифлар киритиш тавсия қилинсин.

7. Ўзбекистон Республикаси ваколатли банклари: Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари иштирокида алмаштириш шохобчалари зарур даражада ишлашини, улар валюталарнинг ҳақиқийлигини аниқлаш учун зарур замонавий асбоб-ускуналар, санаш-ҳисоблаш техникаси, қўриқлаш ва ёнган сигналзацияси, телефон алоқаси билан жиҳозланишини, малакали кадрлар билан тўлдирилишини таъминласинлар;

нақд хорижий валюта ноконуний айланиши ва қалбаки банкнотлар муомалада бўлишининг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик қизмати ва Давлат солиқ қўмитасига тегишли ахборотни ўз вақтида тақдим қилинлар.

8. Белгилансинки, ваколатли банкларнинг раҳбарлари алмаштириш шохобчаларида операциялар тўғрисида қўйиладиган қонун ҳужжатларига мувофиқ махсус ички гуруҳ ташкил этиш.

9. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик қизмати, Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси республика ҳудудида нақд хорижий валютанинг ноконуний айланишига барҳам бериш, қалбаки банкнотларни аниқлаш, айбдор шахсларни амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қатъий жавобгарликка тортиш чора-тадбирларини қўйишсинлар.

10. Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, вазирликлар ва идоралар Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ҳафта муддатда ўз норматив ҳужжатларини мазкур қарорга мувофиқлаштирсинлар.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Б. Ҳамидов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф. Муллажонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.
Тошкент шаҳри, 2000 йил 30 июнь

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига 1-илова
Алмаштириш шохобчаларида нақд хорижий валютани харид қилиш ва сотиш операцияларини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган ваколатли банклар рўйхати

1. Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки.
2. «Узсановтқурилишбанк».
3. «Аска» банки.
4. «Ўзўйқўлжамгармабанк».

ЮКСАЛИШ ЙИЛЛАРИ

1. Мустақил Ўзбекистонимизда Истиқлол йилларида рўй берган ўзгаришларнинг энг муҳимлари синингча нималарда намоён бўлмоқда?

— Албатта Истиқлол бизга нима берди? — деган саволга оғзи-қўли батафсил жавоб бермоқчи бўлсам, том-том китоб ёзганда ҳам ҳамма гапни айтиб тамом қилиб бўлмас эди. Бир неча йил ичида қишлоқда ҳам, шаҳарда ҳам

халқнинг шон-шавкатига, довруғига мўносиб бўлишга интилади, буюк аждодларининг меросини имкон қадар бойитишга ҳаракат қилади. Менингча, миллий ифтихор туйғуси юракларда ҳаракатсиз юк бўлиб ётмаслиги, фақат байрамлардагина сандиқдан олиб, бир шамоллатиб ҳаммага кўз-кўз қиладиган буюм бўлмаслиги керак. Бу буюк туйғу катта-кичик ҳар бир одамни ўз миллатининг ривожини йўлида тинмай меҳнат қилишга ундамоғи керак. Бу туйғу эга бўлган одам ватан манфаатини, халқнинг шон-шавкатини ўзининг манфаатидан, нафисидан банд қўй олмоғи керак. Бинобарин, мислсиз маънавий бойлик яратган халққа мўносиб бўлмоқ учун ҳар бир одам ҳар қадамида ўзини турмуш нопокликларидан, катта-кичик иллатлардан

очай. «Ўтиш даврининг ўзига хос мураккабликлари»данми ёхуд «янги ҳаёт, озоод жамият қуришнинг завқ-шавқиданми? Келинг, «завқ-шавқдан» гапирмай кўяйла. Чунки менсиз ҳам бу масалаларда қўлоқни қоматга келтириб қарнай-сурнай чапайганлар кўп. Мени кўп таассуфлантирадиган нарсаси шунки, биз — қаламкашлар реал ҳаёт тўғрисида соддагина қилиб, ҳар бир одамнинг миёсига ва қалбига ўрнашиб қолмаган тарзда гапирини бутунлай унутиб қўйганмиз. «Онангини отанга бепардоз кўрсатма» деган мақоли ҳам маъжозий маъносини тушунишга эринамизда, мункиллаб қолган онамиз ёки онамизни пардозлаш билан машғул бўламиз. Холбуки, пардоз ҳамма вақт ҳам ҳаммага ярашаверадиган нар-

нинг 9 йиллиги айёмига жамонгиз, шахсан ўзингиз қандай натижалар билан бораёсизлар? Келгуси режаларингиз?

— Уйлайманки, 60-70 йиллар ўтгандан кейин яшайдиган авлодларимиз бизга — ҳозир яшайётган одамларга роса ҳавас ва ҳасад билан қарашса керак. Чунки биз буюк бир бахтга мушарраф бўлган одамларимиз — биз ўша келажак авлодларимиз биздан бахтлироқ бўлиб яшайдиган буюк келажакнинг пойдеворини яратмоқдамиз. Табиийки, бундай кутлуғ ишга ҳамма — оддий ишчи, ўқитувчидан тортиб шоиргача имкон қадар ҳисса қўймоғи керак. Зилли одам эса зиё ва маърифат нурулари билан жамият йўлини ёритиб бер-



ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН БАХТ

«Тошкент оқшом» газетасининг Ўзбекистон Мустақиллигининг 9 йиллигига бағишланган сўровномасига таниқли адиб — профессор Озод ШАРАФИДДИНОВ жавоб беради

жуда катта ишлар амалга оширилди, бутун республиканинг жамоли янги ҳаётга ҳис қилишга кўнгул бўлиб қолди. Бунинг бундан дунё тан олати — оламга донми кетган давлат арбоблари ҳам, сийosatчилар ҳам Ўзбекистоннинг ютуқлари тўғрисида ҳайрат билан гапирмоқда ва бу ўлкага тегаран ҳурмат билан қарашмоқда. Ҳа, бу ютуқлардан ҳеч ким қўйма олмайди. Шундай бўлса-да, мен улар тўғрисида эмас, бошқа бир ҳодиса ҳақида гапирмоқчиман. Агар тўғрисида йил ичида эришилган ютуқларимиздан энг муҳимини, энг улуғини айтиш лозим бўлса, мен ўзбекистон қадри тикланганини, унинг қалбига миллий гуруҳ устувор бўлиб қолганини таъкидлаган бўлардим. Бугун жаҳон миқёсида муваффақият билан илдамламоқ учун жаҳон сени таниши керак. Жаҳон сени танимоғи учун эса давлат ва сени ўзининг танимоғининг керак. Бугун ўзини ўзбек деб билидиган одамнинг халқ инсоният тарихида катта роль ўйнаганини, жаҳон маданиятига ва маънавиятига баёбаҳо ҳисса қўшганини, бу халқ ичидан буюк саркардалар, мутафаккирлар, сўз санъаткорлари, уламоалар, меъморлар, ҳақимлар етишиб чиққанини яхши билади. Миллий гуруҳи кучли одам ўртаёмиёна бўлмайди, у ҳар қандай қилиб бўлсада ўз

ҳоли қилиб бормоғи зарур. Шу ўринда яна бир муҳим нарсани таъкидлаш истаг эдим. Миллий ифтихор жуда яхши нарсаси, лекин у мутақаббириликка айланиб кетмаслиги керак. Дунёда ўзига орттича бино қўйишдан, кеккайишдан, бошқаларни менсимаслик, уларни камситиш энг ёмон иллатдир. Бу иллат фикрнинг ўтмаслаштириди. Манмалликка берилган одамнинг кўзини ёқ босади. Бошқа халқлар ҳисобига ўзини улуғлаш тарихида неча марта-лаб фожиали ёхуд тақрирчи халқларга олиб келган. Ер кўрмаса Қуванинг аноридек кичкина экан. Шу тор заминда ўзлаб халқлар, турли миллатлар тикилиб, бир-бирини туртиб-суриб умргузаронлик қилади. Улар фарҳат хайрат кечирмоқлари учун бир-бирлари билан тил тошқиса билмоқлари керак. Айниқса, юми қўшмалар билан ахл бўлиш ҳаётнинг энг зарур қонунидир. Ўз қадарини билидиган халқ бошқаларининг ҳам қадарини билади. Бир-бирига устоз, бир-бирига шогирд бўлиб, бир-биридан ўрганишга, ор қилмай катта роль ўйнаганини, жаҳон маданиятига ва маънавиятига баёбаҳо ҳисса қўшганини, бу халқ ичидан буюк саркардалар, мутафаккирлар, сўз санъаткорлари, уламоалар, меъморлар, ҳақимлар етишиб чиққанини яхши билади. Миллий гуруҳи кучли одам ўртаёмиёна бўлмайди, у ҳар қандай қилиб бўлсада ўз

са эмас. Оламда табиий гўзалликка нима етсин. Энди мустақиллиқнинг ҳозирги самаралари масаласига ўтсак, бу тўғрисида аввалги саволга жавобда қисман гапириб ўтдим. Энди «муаммо-ю» «завқ-шавқлар»ни лўнда қилиб тилга оладиган бўлсам, одамнинг бир хислати бор — билмадим, бу нуксонни ёки фазилатми — у ҳеч қачон бориға қаноат қилмайди; бир неъматга эришиб улгурмасдан яна иккинчиси, унингичига эришмас дейди, бир маррари эгаллаб улгурмай, яна иккинчи-учинчи марраларга интилади. Одамлар учун эркинлик бамисоли чини товоқ, чини товоқ эса қазиси билан бўлса янада яхши... Ҳуноқ айтидиган бўлсам, бугунги кунда бизнинг муваффақият билан илдам боришмишга ҳалақит бераётган хас-хашаклар, эскидан қолган ахлатлар ва иллатлар жуда кўп. Мустақилликни ҳам ёлпи патир ўрнида ёл битириндан тоймайидиган нафс бандларни ҳам етарли. Агар жоиз бўлса, жамиятни бир пирамидига ўқшатардим — унинг оқори томонига мусофиро омон, ҳарир шавбадлар, тоза ҳаво, қўида эса... бунинг акси. Нима қилмоқ керак? Уйлайманки, жамият одамлар истиқомат қиладиган бир маскан, унинг қандай бўлиши — унда яшайдиган одамларнинг ўзига, ақл-заковатига, ғайратига, шижоатига боғлиқ. Фойибдан келажак бахт — бир афсона.

3. Мустақиллигимиз

моғи керак. Агар ҳамма ёқни нурафшон қилишга иктидоринг етмаса, лоқал битта шам ёқиб теварагингни ёрит — шундан ҳам одамлар фойда олишсин. Мен ижодкор одамман. Кейинги йилларда ҳаёт муаммоларига бағишланган мақолаларни кўп ёзганман. Уларда ақлим етганича маънавиётроқ гапларни айтишга, ҳаётдан олган сабоқларимдан хисса чиқаришга ҳаракат қилганман. Шояд, бу хиссалар ва ҳуқосалар одамларнинг юқини жиндек бўлса-да ёнғилатса... Лекин мени жуда ўқинтирадиган бир нарсаси бор — тиркичилик гамида юрган одамларнинг қўнчилиги ҳеч нарсаси қўймай қўйган. Ёшлар ҳам бирор нарсаси ўқиб юрагини сиқиб юрганган бўлиш дискотекада қўнғил ёзишни маъқул қўида. Мансабдорлар ўқиб, ўзларининг амалий ишларида бирон жихатдан фойдаланармикан десанг, у шўрликларнинг ҳам бирон нарсаси ўқийишга на вақтлари, на тоқатлари бор.

Истиқлол — энг буюк бахт. Республикаимизда ўтказиладиган энг улғу ва энг шодияна байрам — Мустақиллик айёмини барча юртдошларимиз ўзларининг мўносиб соғвалари билан, қўлга қиритилаётган энг улғун ютуқлари билан қутлиб олиб, унга пешвоз чиқадилар.



Шахримиз тобора кўркамлашиб бормоқда. Бу ерда кўп-кўп турар жой бинолари, маданият мажмуалар, кенг ва равоён йўللар, замонавий кўприклар қуриб фойдаланишга топширилмоқда. Сураткаш мухбир Тоҳир Нигматуллиннинг диққатимизга ҳавола этётган суратларида пойтахтимиз қурилишларида бири ҳамда унга фол қатнашётган бунёдкорларни кўриб турибсиз.



ЁШЛАР ҲАЁТИДА УНУТИЛМАС КҮН

Инсон ҳаётида шундай кунлар бўладики, улар бир умр унутилмас хотиралар сифатида муҳралиб қолади. Кеча Юнусобод туманидаги 43 та мактаб кучоғида билим сирларини ўрганаётган 100 нафар ёшлар учун ҳам энг эсда қоларли кун бўлиб қолди, десак адашмай-миз.

Зеро шахримизнинг энг файзли гўшаларидан бирига айланган «Шахидлар хотира-си» ёдгорлик мажмуасида мустақил ҳаётга қадам қўётган ёш йигит-қизларимизга оқ йўл тилаб, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик паспортини тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди.

Ватанимизнинг эртанги кунини бунёдкорлари бўлиши ёшларимизни мустақил ҳаётга тайёрлаш, улар онгидида юртга муҳаббат, мустақилликка садоқат туйғуларини мустаҳкам шакллантиришдек

хайрли мақсадларни қўлаб-ташқил этилган тадбирда туман ҳокимлиги, шаҳар ва туман ички ишлар бошқармалари, маҳаллалар оқсоқоллари, халқ таълими бўлими, «Маҳалла» ва «Қамолот» жамғармаларининг туман бўлимлари вакиллари қатнашди. Ёш йигит-қизларни шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари Зухриддин Бобокалонов, Юнусобод туман ҳокимининг ўринбосари Вафо Латипов, «Ўзбекистон мустақиллиги» маҳалласининг фахрий оқсоқоли Эгамназар Ҳожи Қодировлар ҳаётларидаги энг унутилмас кун билан чин юракдан муборакбод этишди. Ўз навбатида фахр ва гурури ила илк бор юртимиз паспортларини қўлига олган ўсмирлар шу Ватанга мўносиб фарзандлар бўлиши, мустақилликни муштақамлашга ўз ҳиссаларини қўшаётганини билдиришди.

Дилшод ИСРОИЛОВ,
Раъно ОҒАНАЕВА.

Тадбирлар

ШАҲРИМИЗ КЎЧАЛАРИНИНГ ЯНГИ НОМЛАРИ

Баъзи кўчалар номларини тартибга келтириш ва янги турар жойлар қурилиши муносабати билан ва шаҳар топонимия комиссиясининг таклифларини инобатга олган ҳолда Тошкент шаҳар ҳокими Қозим Тўлаганов қуйидаги янги кўчаларни номлаш ва баъзиларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида қарор қилди.

Хозирги номи	Янги номи	Изоҳ
--------------	-----------	------

Бектемир тумани бўйича:		
«Махнутои» маҳалласидаги янги кўча	MOTURIDY ko'chasi	Қадимги йirik шарқ муаддисларидан бири
Шу жойдаги янги кўча	CHEKSAROV ko'chasi	Қадимги жой номларидан бири
Шу жойдаги янги кўча	OZOV ko'chasi	Қадимги жой номларидан бири
Шу жойдаги янги кўча	BARDONKO'L ko'chasi	Жойнинг тарихий номи

Мирзо Улугбек тумани бўйича:		
Линейная кўчаси	TEMIRYO'L ko'chasi	Темир йўли ёқасида бўлганини унутмаслик мақсадида
Темур Малик 1 проезд (такор)	AZZOV ko'chasi	Академик шаҳарча асосчиларидан бири
Головин кўчаси	CHOTQOL ko'chasi	Жой номини миллийлаштириш мақсадида
Латвия кўчаси	XIRMONTERA ko'chasi	Асосий кўча номи билан ўйинлаштириш мақсадида

Миробод тумани бўйича:		
Пирмухамедов проезд (такор)	Akbar MIRKOMILOV ko'chasi	Танлиқ селекционер олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган агроном
Пирмухамедов бек кўчаси	Akbar MIRKOMILOV ko'chasi	Туташ кўча номларини ўйинлаштириш мақсадида. Жойда Пирмухамедов номида бошқа кўча бор

Собир Раҳимов тумани бўйича:		
«Бешқўрғон» маҳалласи:		
«Бешқўрғон» давасидаги янги кўча	QAYIRMA ko'chasi	Жойдан ўтаётган ариқ номи. Уртадан ўтаётган кўча.
Шу жойдаги номсиз туташ кўчалар	QAYIRMA 1-5 ko'chasi	Туташ кўча номларини соддалаштириш мақсадида.
Шу жойдаги номсиз кўча	RABOT ko'chasi	Обод маъносидда. Халқа йўлига туташ кўча.
Шу жойдаги номсиз янги кўча	USTA XOL ko'chasi	Тошкентда яшаб ўтган машҳур уймакор уста.
Шу жойдаги номсиз янги кўча	QO'RG'ONBEGI ko'chasi	Қадимги жой номларини тиклаш мақсадида.
Шу жойдаги номсиз янги кўча	GO'ZALBOG' ko'chasi	Қадимги жой номларини тиклаш мақсадида.
Шу жойдаги номсиз янги бошқа кўча	BEGOVIM ko'chasi	Миллий қадриятларимизни тиклаш мақсадида.
Шу жойдаги номсиз янги кўча	CHIMQO'RG'ON ko'chasi	Жойнинг табиий шароитидаги ўйинлаштириш мақсадида.
Шу жойдаги номсиз янги кўча	Ma'nuf AKBAROV ko'chasi	Танлиқ футбол мураббийи. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози
Шу жойдаги номсиз янги кўча	KOSHONA ko'chasi	Қўрақ жой маъносидда

«Мойқўрғон» маҳалласи:		
Янги участкалар қурилиши муносабати билан пайдо бўлган кўча	NAVQON ko'chasi	Жойнинг янгилиги назарда тутилмоқда
Шу жойдаги номсиз янги кўча	MANZUR ko'chasi	Жойнинг номига ўзбекча миллий тус бериш мақсадида
Шу жойдаги номсиз янги кўча	PO'LAT HOFZ ko'chasi	Қадимда яшаб ўтган машҳур ҳофиз
Шу жойдаги номсиз янги кўча	ZARINQOR ko'chasi	Жойга миллий тус бериш мақсадида
Шу жойдаги номсиз янги кўча	KONIGUL ko'chasi	Қадимги жой номларидан

«Янги Тошкент» маҳалласи:		
Маҳалладаги янги номсиз кўча	SAG'BON DARVOZA ko'chasi	Жойнинг тарихий номи
Шу жойдаги номсиз янги кўчалар	SAG'BON DARVOZA 1-2 ko'chasi	Жойнинг тарихий номи
Шу жойдаги номсиз янги кўча	SAG'BON OQTEPA ko'chasi	Жойнинг тарихий номи
Шу жойдаги номсиз янги кўчалар	SAG'BON OQTEPA 1-4 ko'chasi	Жойнинг тарихий номи

Чилонзор тумани бўйича:		
Ушмон Юсупов маҳалласидаги янги кўча	KARVONSAROV ko'chasi	Жойдаги отчопар бозорига ўйинлаштириш мақсадида
Шу жойдаги бошқа кўчалар	KARVONSAROV 1-5 ko'chasi	Туташ кўча номларини ўйинлаштириш мақсадида
Шу жойдаги номсиз бек кўчалар	KARVONSAROV 1-3 ko'chasi	Туташ кўча номларини соддалаштириш мақсадида
Филетовая кўчаси	KATTA OQZIROBOT ko'chasi	Жойнинг тарихий номи
Г—52 кўчаси	QOMUNCHI ko'chasi	Қадимги маданият номларидан бири
«Бўстон» маҳалласидаги номсиз янги кўча	POYGOH ko'chasi	Жой Халқа йўлига туташ бўлганлиги уми

Ҳамза тумани бўйича:		
Линейная кўчаси	TEMIRYO'L ko'chasi	Йўл темир ёқасида қўйилганини эътиборга олимоқда
Фарғона йўли 3-кўчаси (такор кўча)	JORA OTA TOYUEV ko'chasi	Эл хизматига бўлиб, катта обрў ортирган сарванд кўчи

Шайхонтоҳур тумани бўйича:		
Фузулий тор кўчаси	Abduhalim ABDUVALIYEV ko'chasi	«Оқон» маҳалласидаги кўча. Республика миқёсидаги таъминотчи. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган савдо ходими. Жойда бошқа Фузулий кўчаси бор.

Юнусобод тумани бўйича:		
«Шарқ ҳақиқати» маҳалласидаги янги кўча	TO'RAQO'RG'ON ko'chasi	Жойнинг тарихий номи. Ҳасанбой кўчасидан бошланиб Халқа йўлига чиқади
Шу жойдаги номсиз янги бек кўчалар	TO'RAQO'RG'ON 1-3 ko'chasi	Туташ кўча номларини ўйинлаштириш мақсадида
Шу жойдаги номсиз янги кўча	ANFOROBOD ko'chasi	Жойнинг тарихий номи. Ҳасанбой кўчасидан бошланиб дала ҳовлилар орқали Халқа йўлига чиқади
Шу жойдаги номсиз янги кўчалар	ANFOROBOD 1-2 ko'chasi	Туташ кўча номларини ўйинлаштириш мақсадида
«Посада» маҳалласидаги номсиз янги кўча	QULLOLA ko'chasi	Туташ кўча номларини ўйинлаштириш мақсадида

Яккасарой тумани бўйича:		
Кияниёв кўчаси	Abduhalim QODIROV ko'chasi	Меҳнат Қарамоний. Тошкент асосий ремонт заводида 50 йил тоқарлик қилган
3-Белорусский кўчаси	ENTPROM ko'chasi	Кўча номини тартибга келтириш мақсадида
Экспром 4-тор кўчаси	ENTPROM ko'chasi	Жой номини тартибга келтириш мақсадида
Депутатская кўчаси	Kamol JAULOV ko'chasi	«Тепла» маҳалласидаги кўча. аввалги номи тартибга келтирилмоқда

Маъмур қарорга мувофиқ, ушбу ўзгаришлар ҳақида тегишли туман ҳокимликлари, ички ишлар, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, ободонлаштириш, транспорт, муҳофаза, меъморчилик ва шаҳарсозлик бошқармалари ҳамда почта, алоқа, ўт йўриши ва тез ёрдам хизматлари хабардор қилиниши ва янги ўзгаришлар бй олий мақсад ичда амалга оширилиши зарур.

Шаҳар жўжалиги мавзусида



ЧАНҚОҒИНГИЗ ҚОНЯПТИМИ?

Бошқарув раиси Акмал Аъзамхўжаев бизни «Юз марта эшитгандан, бир марта кўрган афзал» дея ишлаб чиқариш жараёни томон бошлади.

Қуёв цехидан. Ишчи ва хизматчилар анча сийрақ. Чунки бу ерда бутун иш техникалар зиммасига юклатилган. Албатта, цехдаги автомат машиналар юксак унумли бўлмасда, лекин улар талабга яраша ишлаб, етарли маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Ақлли машиналар ёрдамида ювиб тозаланган шишалар конвейер орқали зич қаторликда қуёв цехи томон ўтиб боради. Улар маъданли сув қуёвчи аппарат ёнида кўз илғамас даражада бир зум тўхтади. Шу орада шишалар сувга тўлдирилиб, яна конвейер орқали кейинги жараёнига ўташ учун юқори томон йўналди. Қопқоқлар ёпиш машинаси ўз хизматини ўтагач, тайёр маҳсулот ишчилар ёрдамида қўтиларга жойланиб, шу ернинг ўзида юк машиналарига ортлади. Шу усулда тайёр маҳсулот шаҳримиз дўконларига жўнатилади.

— Бир кунда қанча шиша сув тайёрланади? — сўраймиз раисдан.

— Уртача 180-200 минг шиша сув ишлаб чиқарамиз. Бу рақам ҳозирда савдо харид қорхоналари томонидан бизнинг қўлимизга келиб тушаётган буюртмалар бўйича белгиланган. Қорхонамиз эса аслида бундан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Июль ойидан бошлаб икки сменалик иш ташкил этганмиз. Бу

Сув танала овқат моддаларини юмшатиши учун жуда зарур бўлган ичимлик ҳисобланади. Усиз тирик ҳаётни тасаввур этиб бўлмайди. Чунки сув киши танасидаги ҳар бир ҳужайра, ҳар бир тўқима таркибининг ажралмас қисмидир. Мутахассисларнинг тахминича ўрта ҳисобда ҳар бир киши бир кеча-кундузда 2,5 литрча сув истеъмол қилади. Бизнинг иссиқ иқлимли шароитда эса бу микрот 10-12 литрни ташкил этади. Демак, сув инсон организми учун ҳаётий зарурат экан. Шу ўринда ўз-ўзидан кишида қўш, ёз чилласида шаҳар аҳолиси маъданли сувлар ва яна ичимликлар билан етарли таъминланаяптими? Умуман салқин ичимликлар тайёрлаш қорхоналари мавсумга қандай тайёргарлик билан келишиди? Дўконларда, аҳоли гажум кўча ва бекатларда сув ва яна ичимликлар савдоси қандай ташкил қилинган, деган саволлар туғилади. Биз шу саволларга қисман бўлсада, жавоб топиш мақсадида бутун йил бўйи шаҳримиз аҳолисини маъданли сув билан таъминловчи асосий қорхона бўлган «Шифобахшбулоқ» ҳиссдорлик жамиятида бўлиб, унинг иш фаолияти билан танишдик.

Ўз-ўзидан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми янада ортиб, деган сўз.

— Неча турдаги маҳсулот тайёрланади? — Асосан икки турда. Масалан, «Тошкент» маъданли суви ва «Занги ота» шифобахш сувларидир. Бундан ташқари яна ичимликлар ишлаб чиқаришнинг ҳам йўлга қўйилди. Улар жумласига ўрик, олма, ананас ва бошқа шифобахш шарбатлардан тайёрланган ичимликларни киритиш мумкин. Йил бошидан бери шундай яхналardan 100 минг шишани тайёрлаб, миқозларимизга жўнатдик.

Қорхонада айни кунларда 250 га яқин ишчи ва хизматчи фаолият кўрсатмоқда. Ушбу жамиятга қарашли Тезкор бозори яқинидаги шохбачада эса 90 киши ишлайди. Ўтган йили тўла таъмирдан чиқарилган шохбача юксак унум билан ишлаб турибди. Унга ўз қасбининг мутахассиси бўлган Мирзиз Каримов раҳбарлик қилмоқ-

да. Ёз мавсумига пухта тайёргарлик кўрган «Шифобахшбулоқ» ҳиссдорлик жамияти заҳирасида ҳам анчагина миқторда яна ичимликлар сақланмоқда. Хусусан, биргина маъданли сувнинг ўзидан 600 минг шишадан ортиғи тайёр ҳолда турибди.

— Июль ойида ҳарорат янада кўтарилади. Шунинг ҳисобига олиб биргина «Тошкент» маъданли сувининг ўзидан бир кунда 240 минг шиша маҳсулот тайёрлашни мўлжаллаб турибди. Умуман июль ойи давомида 6 миллион шиша сув ишлаб чиқарамиз, — деди бизга жамият бошқаруви раиси. — Шартномачиларимиз белгиланган муддатда ўз буюртмаларини олиб кетишяпти. Таъминотда узлиш йўқ ҳисоб. Янгийўлдаги пластмасса заводи бизни етарли қопқоқ маҳсулоти билан таъминлаб турибди. Биргина муаммомиз ҳисоб-китоб масаласида. Буюртмачиларимизнинг қўпчилиги қарзларни ўз вақтида тўлашмайди.

Шу масалаларда ҳамон сансалорлик давом этмоқда.

Албатта ҳар бир қорхонанинг илғорлари, ибратли ишчилари бўлади. Шундайлар ҳақида гап кетганда бошқарув раиси Гулмира Турлубоева, Раҳим Бегалиев, Йўлдош Абдуллаев, Насима Бокеева, Хайриниса Мирзаеваларнинг номини тилга олди.

Сўз билан иш бирлиги мутаносиблигини билиш мақсадида биз шаҳримиздаги бир неча савдо нуқталарида бўлдик. Хусусан, Мирзо Улугбек туманидаги Чимён жамоа қорхонасидаги ахвол бизни қаноатлантирди. Пештахталарга турли хил ичимликлар тахлаб қўйилган. Улар орасида «Шифобахшбулоқ» ва «Роҳат» ҳиссдорлик жамиятлари ҳамда «Кока кола» фирмасининг маҳсулотларини учратасиз.

Ушбу дўкондаги яна бир янгилик диққатимизни тортди. Бу ерда «Татиб кўриш бурчиги» ташкил этилибди. Агар харидор истаса ўзи ха-

рид қилмоқчи бўлган маъданли сув ва яна ичимликлардан олдин татиб кўриши, манзур бўлса кейин сотиб олиши мумкин. Бу ибратли иш шаҳримизнинг бошқа дўконларида ҳам жорий этилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди. Бу ерда харидор Эргаш Акбаровни суҳбатга тортдик.

— Ўзим шу дўкон билан ёнма-ён жойлашган бинода тураман, — дейди у. — Тиббий хизматчилар тавсиясига кўра «Тошкент» маъданли сувини кўпроқ истеъмол қиламан. Зарур вақтларда қачон чиқсам, дўконда салқин ичимликнинг шу туридан топилади.

Шунингдек, шаҳримизнинг «Охунжон ота», «Ук-раина», «Мадина лаззати» жамоа қорхоналарида, Миробод туманидаги 14-дўкон ҳамда Яккасарой туманига қарашли 35-дўконларда ҳам яна ичимликлар савдоси яхши йўлга қўйилганлигини тўғри тўғри бўлди.

Қисқа қилиб айтганда, ёз тобора забтита оляпти. Шубҳасиз, ҳарорат кўтарилган сари ҳамшаҳарларимизнинг яна ичимликларга бўлган талаби ҳам ортиб боради. Ана шу нуқта назардан келиб чиқиб, «Шифобахшбулоқ» ҳиссдорлик жамияти жамоаси ишлаб чиқариш ҳажминини кун сайин ошириб бораёпти. Зеро, Тошкент аҳолисини яна шифобахш маъданли сув билан таъминлашда бу қорхонанинг ўрни бошқаларга нисбатан кўпроқ сезилиб туради.

Махмуд КОМИЛЖОНОВ.
СУРАТЛАРДА: қорхона ҳаётидан лавҳалар.
Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.

Анжуманлар

БОЛАЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИДА

1946 йилнинг 11 декабрида БМТ Бош Ассамблеясининг биринчи сессиясида бир овоздан ЮНИСЕФ ташкил топган эди. Шу давр мобайнида у жаҳоннинг бир қатор мамлакатларида ўз фаолиятини муваффақиятли амалга ошириб, олдида қўйган вазифаларини адо этиб келмоқда. Хусусан, 1994 йилнинг март ойидан бошлаб БМТ Болалар Жамғармаси (ЮНИСЕФ)нинг Ўзбекистон Республикасида Ваколатхонаси ҳам иш бошлади.

Яқинда, Ўзбекистон Миллий матбуот марказида маъмур ташкилотнинг «Соғлом авлод йили»га бағишлаб ўтказган «Ўзбекистон Республикасида Болалар ҳуқуқи Конвенциясининг татбиқ этилиши» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда БМТ Болалар Жамғармаси (ЮНИСЕФ)нинг Ўзбекистондаги вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашдилар. Анжуманда узундан-узун маърузалар ёки ҳисоботлар ўқилмади. Балки у савол-жавоблар билан кўтаринки руҳда ўтказилди. Энг асосийси журналистлар ва бошқа иштирокчилар янги татбиқ этилаётган Конвенция тўғрисида етарли маълумотга эга бўлдилар. Конвенцияда айниқса аёллардаги учрайдиган камқонлик ва болалар ўлимининг олдини олиш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби бугунги куннинг долзарб масалалари бйр олиниси ҳамма учун жиддий эътиборли бўлди.

Нигора ЖУМАЕВА.

СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАР

«ABADAN» хусусий қорхонасида ишлаб чиқарилаётган турли хил шаклдаги чироили ва бежирим гишт плитчаларига бугунги кунда харидорлар сони тобора ортиб бормоқда. Сабаби ушбу жамоа ахлининг изланишлари эвазига ишлаб чиқарилаётган мустаҳкам ва сифатли гишт плитчаларига пойтахтимиз ва вилоятлардан буюртмалар тушмоқда.

— Айни вақтда ярим йиллик буюртмаларимизни муваффақиятли адо этдик, — дейди фирма раҳбари Муҳаррам Канкишиев. — Эндиликда эса янги буюртмалар асосида харидорлар фикр-мулоҳазаларини эътиборга олиб турли шакллардаги гишларни ишлаб чиқаришмиз. Айниқса, Италия технологияси асосида чиқариётган маҳсулотларимизга талаб юқори бўлмоқда.

Қорхонанинг кичик меҳнат жамоаси бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб, ҳамма харидор дидига эътибор билан қарашмоқда. Ўзимизнинг ҳам ашёдан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар эса йўл ва йўлакларга ўзига хос чирой бағишламоқда.

Наргиза ОТАХОНОВА.

Раҳбар фазилатлари: уларни қандай шакллантириш керак?

КОРХОНА ВА ИЖТИМОЙ МАСАЛАЛАР

Қорхона эгасининг менежер — иш бошқарувчининг асосий вазифаси оқибат натижада олинган фойдани қўлайтиришдан иборат бўлса-да, жамият олдида ижтимоий масъулият ҳам катта аҳамиятга эга. Бизнес эгаси ёки бошқарувчининг мамлакат олдида турган ижтимоий муаммоларни ҳал этишга қўшадиган шахсий ҳиссаси, бу йўлдаги саъй-ҳаракатлари унинг жамоатчилик олдида обрўсининг ошишига олиб келади. охир-оқибатда яхшигина реклама хизматини ўтайди.

Қорхонанинг ўз ижтимоий муаммоларини ҳал этиб бориш ҳам муҳим ўрин тутди. Бу муаммоларни ечиш истиқболли режа асосида олиб борилиши керак. Шунинг ҳамда тутиш керакки, ижтимоий ривожланишни режалаштириш — фақат жамоа учунгина эмас, балки алоҳида ходимлар учун режа тузишдан иборат. Яқна тартибдаги режаларни мутахассислар ижтимоий-профессонал ўсиш ёки қарьерграма деб аташади. Бундай режаларни маъмурият билан ҳодим ўртасида унинг қорхонадаги ҳаётий фаолияти истиқболлари тўғрисида тузишни шартнома дейиш мумкин.

Қарьерграма бир неча бўлимдан иборат бўлиши мумкин. Дастлабки бўлимда хронологик тартибда ҳодимнинг ўсиш (ривожланиш) босқичлари, воқеалар кўрсатилиши керак. Ҳодим малакасидаги вазифаси, меҳнат шартоти, унга ҳақ тўлаш, қорхонада тақсим қилинадиган ноймат-

лар, қўлайликлардаги ўзгаришлар шундай воқеаларга кирди. Одамлар учун аҳамиятли, уларда ўсиш, ривожланиш заруратини туғдирадиган воқеа-ҳодисалар қўламини кенг. Уларни тўғри кўрсатиш, ҳодимлар эътиборини жалб этиш, қизиқиши манфаатдорлигини ошириш чоралари кўриб борила бос.

Режаланинг иккинчи бўлими ҳодимнинг ўсиш поғоналари бўйлаб кўтарилиб бориши учун баҳарлаши зарур бўлган талабларга бағишланади. Масалан, хизмат мавқеи бўйича олган сизгиш учун қандай маълумотга (малакага) эга бўлиш, қўшимча рағбатлантирувчи омилга эга бўлиш учун қандай иш турларини баҳарлаш керак бўлиши ва ҳоказолар аниқ белгиланиши мақсадга мувофиқ.

Қарьерграмманинг учинчи бўлими ҳодимни ўстириш бўйича маъмурият ўз зиммасига оладиган мажбуриятларини акс эттиради. Туртинчи бўлимда ҳодим томонидан унинг олдида қўйилган талабларни, маъмурият томонидан эса ўз мажбуриятларини баҳарлагани ёки баҳарлагани учун қўйилган рағбатлантириш ёки жазо чоралари қайд этиб борилади.

Албатта шунга ўхшаш режалаштиришлар яқин ўтмишда — шўролар замонида ҳам бўлган. Лекин уларнинг ҳаммаси аслида бир томонламалилиги билан ажралиб туради. Яъни ҳодим масъулиятини белгиллашарди-ю маъмурият жавобгарлиги даярили йўқ эди. Бундай режалар иш бермаганлигининг яна бир сабаби мулкнинг ҳақиқий эгаси бўлмаганида ҳам эди. Ҳозирги бозор иқтисоди шароитида, мулкчиликнинг хилма-хил шакллари мавжуд бўлган ҳозирги босқичда икки томонлама қизиқиш, манфаатдорлик ҳар бирларнинг тараққиётининг муҳим шарт, дейиш мумкин. Ҳодимнинг

малака ва маҳорати, ижодий ташаббусқорлиги тинмай ўсиб боришида биринчи навбатда шу қорхона эгаси, иккинчидан бутун меҳнат жамоаси, қолаверса ҳар бир ҳодимнинг ўзи шахсан манфаатдордир.

Қорхона ривожига бошқа ижтимоий муаммоларни назарда тутиш ва шу муаммоларни ечиш ёки боришининг аҳамияти катта. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқариш масалаларини ҳал эта бориш билан бир вақтда инсон омилли бўлган ижтимоий соҳага ҳам бирдек эътибор бериш ҳар жиҳатдан фойдали. Шунга қарамай, баъзилар ижтимоий мақсадларга сарфланадиган қаражатлар маҳсулот танларига салбий таъсир этади деб, унга эътибор беришмайди.

Юқоридagi мулоҳазаларни ўрганиб, 14-вазифамизга эътиборингизни жалб этинг.

1. Ижтимоий муаммоларини ҳал эта бориш қорхона, фирма, умуман, меҳнат жамоаси учун ортиқча ташвишми ёки ишлаб чиқариш тараққиётининг зарур шартларидими? 2. Ижтимоий мақсадларга сарф-харажатлар молиявий жиҳатдан оқибат-натижада фойдали деб ҳисобланганми — уни бирма-бир шарҳлаб бериш. Бошқа фикрда бўлсангиз — уни ҳам изоҳлашингиз мумкин. 3. Ўзбекистонда тадбирқорлик, хусусий бизнес ижтимоий маданий қандай шаклларида иштирок этиши мумкин? Уларнинг қорхона миқёсида, минтақа, мамлакат миқёсида аҳоли ижтимоий ҳимоясида иштироклари нима-ларда ўз ифодасини топиши мумкин? Саволларга жавобларни мулоҳаза қилиб, ён дафтарингизга қайд этишингиз ёки таҳририятимизга йўллагингиз мумкин. Биз эса уларни газетхонлар ихтиёрига ҳавола этамиз.

Меҳр-мурувват

МАЪНАВИЙ ВА МОДДИЙ ЁРДАМ

Маълумки, 2000 йилнинг февраль ойида Соғлом авлод йили муносабати билан Тошкент шаҳар хокимлиги ва шаҳар хотин-қизлар кўмитаси қoшида «Аёл ва саломатлик» уюшмаси иш бошлаган эди.

Уюшманинг асосий мақсади ва вазифалари — туғиш ёшидаги аёлларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, балоғат ёшидаги қизларни ҳаётга тайёрлаш, келин-куёвларни турмушга ҳозирлаш, қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш, туғиш ёшидаги аёлларни контрацепцияларни усуллаш ва туғри ишлатишга ўргатишдан иборат бўлиб, шунингдек уюшма корхона, ташкилот, муассаса ва маҳаллаларда, ўқув юрларида гиёвандлик, чекиш ва тери-тано-сил касалликларининг олдини олиш мақсадида ўқув семинарлари ўтказиш борасида бир қатор тадбирларни амалга оширмоқда.

— Шу кунга қадар 12 та ўқув-семинарлари ташкил этиб, уларга етакчи мутахассисларни таклиф этдик, — дейди уюшма раиси Мунира Усмоновжоева. — Шунингдек, ўз ишмишни ҳомий ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этиб, аёллар ва болалар соғлигини ҳимоялашга, соғлом фарзан-

длар туғилишига эришишга эътибор қаратмоқдамиз.

Ана шу мақсадда уюшма ташаббус билан чиқиб пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги Галаба маҳалласидан 50 та кам таъминланган оилга ёрдам кўрсатишни ўз зиммаларига олдилар. Бу ташаббусни Тошкент шаҳар хокимлиги ва шаҳар хотин-қизлар кўмитаси қўллаб-қувватлади. Бу оила аъзоларининг соғлиқларини мустаҳкамлаш мақсадида уларнинг барчаси 33-оилавий шифохонада диспансеризация кўригидан ўтказилди. Ана шу кўрик асосида оила аъзоларида аниқланган касалликлар бўйича даволаш ишлари олиб боришмоқда. 12 нафар ёш болалар ва ҳомилдор аёллар эса доимий эътиборда, уларга тиббий ҳамда моддий ёрдам кўрсатишмоқда. Кам таъминланган 50 та оила фарзандларига кийим-кечак ва керакли озиқ-овқат маҳсулотлари вақти-вақти билан бепул тарқатилмоқда. Кўриш кеча уюшма республика «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармаси ва бошқа ҳомий ташкилотлар билан ҳамкорликда бу оилаларга озиқ-овқат маҳсулотлари ва «Гемотанген» дори-дармони тарқатишди ва ҳомилдор ёш болалар оналарнинг соғлигини хабардор бўлишди. 100 минг сўмликдан ортиқ витаминларга бой

озиқ-овқат маҳсулотлари ўз эгаларига топширилди.

— Уюшманинг маҳалламиздаги кам таъминланган оилаларга ва ҳомилдор аёлларга бераётган беминнат ёрдамларидан беҳад миннатдоримиз, — дейди маҳалла хотин-қизлар кенгаши раиси Малика Рихсиева. — Уларнинг кўмаги билан бу оилалар аъзоларида кўпга касалликлар аниқланиб ўз вақтида даволанмоқда. Бу, албатта, соғлом авлоднинг униб-ўсишида муҳим роль ўйнайди.

— Тўртинчи фарзандим уюшманинг кўрсатган эътибори асосида соғ-саломат дунёга келди ва ўсмоқда, — дейди 60-а уй I-хонадонда яшовчи Мунира Умарова — Бундай меҳр-оқибатдан гоятда миннатдоримиз. Улар тез-тез ҳолимиздан хабар олиб туришибди, ҳам маънавий, ҳам моддий, ҳам тиббий ёрдам кўрсатишмоқда. Истардимки, ана шундай, саховатли ҳомийлар сони кўпайиб, ёрдамга муҳтож оилаларга озгина бўлсада ҳиммат кўрсатишса, кўнгиллари тоғдек кўтариладилар.

Уюшма яқин кунларда ҳомийлар билан ҳамкорликда 12 та ёш болалар оналарга «Болалар дорихонаси», яъни керакли дори-дармонларини бепул совға қилиш ниятида. Кўнгилда эзгу-нияти бўлган саховатли инсонлар, мулкдор ва тадбиркорлар уюшма билан ҳамкорликда одамларга меҳр-мурувват кўрсатишса, фойдалан холи бўлмасди.

Шарифа ИЛЁСОВА.

Ҳамкорлик қирралари



«ЎЗБЕККСЕРОКС»: ХИЗМАТ ТУРЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

Республикамизда хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши, кичик ва ўрта корхоналарнинг кўпайиши бир томондан иқтисодиётимизнинг кўтарилишига ўз хиссасини қўшаётган бўлса, шу билан бирга уларнинг хужжатларини расмийлаштириш, нусхаларини кўчириш каби тезкор матбаа хизматларига ҳам катта эътибх туғилмоқда.

Бундан саккиз йил муқаддам ташкил этилган нусха кўчирадиган «Ўзбекксерокс» кўшма корхонаси тадбиркорлар, умуман бутун халқимизнинг бундай эҳтиёжларини тезда қондириш борасида самарали фаолият кўрсатмоқда. Бизнинг «Ўзбекксерокс» кўшма корхонаси бош директори Фарҳод ака Мирзаахмедов билан суҳбатимиз бу ерда замон талаблари асосида амалга оширилаётган ишлар, фаолият турлари тўғрисида бўлди.

— Фарҳод Мирзаахмедов, кўшма корхонанинг асосий фаолият турлари тўғрисида сўзлаб берсангиз.

— 1992 йили дунёда нусха кўчириш аппаратлари ишлаб чиқариши илк бўлиб қўйган ва ҳозирда ҳам бу борада етакчи бўлиш Буюк Британиянинг XEROX фирмаси (бу гунги кунда компания) ҳамда «Шарқ» нашриёт матбаа концерни ўртасида ҳамкорликда ташкил этилган «Ўзбекксерокс» кўшма корхонасининг асосий фаолият доираси XEROX компаниясининг нусха кўчириш, ксерокс ва офис анжомлари сотиш, уларни таъмирлаш ва сервис хизмати кўрсатишдан иборат. Бундан ташқари, биз XEROX компаниясининг замонавий нусха кўчириш анжомлари билан жиҳозланган кўпга нусха кўчириш ва буклет, каталог, проспект,

открывалар, таклифномалар, брошюралар тайёрлайдиган маркага ҳам эгамиз.

Бу ерда рангли ва оқ-қора хужжатлардан нусха кўчириш, уларни уч хил технология усулда муқовалаш, матчи-лари компьютерда териш ва нусхасини қоғозга тушириш, оқ-қора ва рангли ташриф қоғозларини тайёрлаш ҳамда бошқа ноширлик матбаа юмушларини амалга ошира-миз. Ушбу маркада А4 кен-гликдан А4 шаклигача бўлган ўрта ҳажмли хужжатлардан нусха кўчириш ва расмийлаштириш бўйича кўпгина хизмат юмушларини бажара-миз. Миқдор талабига кўра хужжатлар муқоваси ламина-ция (плёнка) билан қоплаб берилди. Хар кунги ўнлаб ташкилотлар, республика-мизда истиқомат қилувчи минглаб фуқаролар корхона-миз хизматидан кенг фойда-ланиб, миннатдорликларини изҳор этмоқдалар.

Сервис марказимиз эса XEROX компанияси тайёрла-

ган уларга сервис хизматини кўрсатиш бўйича кўпгина иш-ларни бажаради. Бу ердан, шунингдек, бошқа фирмалар анжомларининг профилактика-си ёки таъмири бўйича ҳам керакли маслаҳатларни, зар-рур эҳтиёт қисмлар, қоғоз ва картрижларни сотиб олишлар-ни мумкин.

Фаолиятимиз йўлга қўйил-ганидан сўнг ўтган саккиз йил мобайнида биз турли хил вазирликлар, кўпгина бошқар-ма ва бирлашмалар қатори юзлаб корхона ва ташки-лотларга XEROX компанияси-нинг ранг-баранг анжомлари-ни уларнинг буюртмалари а-сосида етказиб, ўрнатиб ҳам бердик.

— «Ўзбекксерокс» кўшма корхонаси фаолият-ини янада такомиллашти-риш, янги замонавий ма-шиналар ўрнатиш юзаси-дан қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Кўшма корхонамиз то-монидан кўрсатиладиган хиз-мат турлари сонини янада кўпайтириш, сифатини оши-риш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда. Турли-туман кургазмалар ташкил этилиб, уларда XEROX ко-мпанияси асбоб-ускуналари-нинг энг янги, замонавий тур-лари ва афзалликлари тўғри-сида батафсил ахборот бе-рилмоқда. Бизда реклама фаолияти яхши йўлга қўйил-ган, бу ерда XEROX ко-мпаниясининг кургазмали салон-дукони очилган бўлиб, дўконда шу соҳада «фаолият кўрсатаётган тадбиркорларни қизиқтираётган мавжуд тех-ника, эҳтиёт қисмлар ва иш-латиладиган материаллар тур-лари бўйича батафсил маъл-умотларни талаб этишингиз мумкин.

Албатта, фаолиятимизни янада юқори даражага кўта-риш, хизматларимиз сифати-ни ошириш ва турларини кўпайтириш мақсадида кела-

жакка мўлжалланган режа-ларимиз ҳам бисёр. Ҳозир-ги кунда 2003 йилгача мўлжалланган фаолиятимиз дастури устида амалий иш-ларимизни XEROX компани-яси билан келишган ҳолда тайёрламоқдамиз. Хусусан, мавжуд нусха кўчириш мар-казимизни юқори ишлаб чи-қариш қувватига эга бўлган янги дастгоҳ ва анжомлар билан жиҳозлашни кенг кўла-мда олиб бориш ишларини мўлжаллашмоқда. Кела-жакда бу дастуриимиз ёрда-мида миқозларга янада сал-моқли хизмат кўрсатиш, ишчи-миз сифатини янада оши-риш устида ишламоқдамиз.

Мақсадимиз, шахримиз аҳолиси ҳамда корхоналари ва ташкилотларига зарур бўлган хужжатларни сифат-ли этиб кўпайтириб бериш ва зарур даражада расмий-лаштириш бўйича хизмат турларини кўрсатадиган шо-ҳобчалар, нусха кўчириш марказларини очиб ҳамда маҳсулот турларини кўпай-тириш бўйича кўпгина ре-жаларимиз мавжуд. Янги-ликлардан ўз миқозларимиз-ни вақти-вақти билан ха-бардор этишда ёрдам кўрса-таётган газетангиз ижодкор-ларидан эса бағоят миннат-доримиз.

Дилшод ИСРОИЛОВ

суҳбатлашди.

СУРАТЛАРДА: «Ўзбек-ксерокс» кўшма корхона-си фаолиятдан лавҳа-лар: (юқорида) нусха кўчирувчилар Елена Чи-лак, Гуля Ҳақимова ва Елена Фикетовалар ми-жозлар буюртмаларини қабул қилмоқда; рангли матбаа бўлимининг бош-лиги Елена Ҳақимова ва дизайнер Аристоклис Цан-гас иш устида.

Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.



2000 — Соғлом авлод йили

ЎКСИК ДИЛЛАР БЎЛМАСИН

Хар бир дунёга келган оиланинг замирида кекса-ларимиз таъкидлагандек, туғ қўйиб, палак ёйиш, ўзидан қўнайиш ётади. Чунки фарзанд орзуси хар бир инсон дилида ҳукмрон, ота ва она бўлиш истаги ёш оилани бахтиёр этади. Ана шу бахтга эришиш учун туғилган бола соғ-саломат, яъни тўрт мучаси соғ бўли-ши керак. Ана шундай мам-лакатимиздаги хар бир му-қаддас гўша — оилаларда баркамол авлоднинг туғи-лиши ва янги етгани на-фақат ота-она, балки бар-ча қариндош-уруғ, жамия-тимиз учун ҳам ихлофда муҳим ва қадри эканлиги пойтахтимиздаги Умар Кур-бонов номли республика болалар руҳий асаб шифо-хонаси бўлим мудири Озо-да УМАРОВА билан бўлган суҳбатимизда яна бир бор аён бўлди.

— Соғлом фарзанд туғи-лиши оиланинг бахти, юр-тимизнинг мунаввар келажак-тидир, — дейди Озода Эрга-шевона. — Бироқ фарзанд майиб-мажруҳ, ногирон, жисмонан, руҳан, ақлан нуқсонлар билан туғилса-чи? Бундан ортиқ бахтсиз-лик борми?! Ҳа, бундай кул-фатни, қўнғил доғини ҳеч қанга равб кўрмаган бўлар-дим. Чунки бундай фарзанд туғилганда оилга гам-андух, бир умрлик ташвиш келади, орзулар чиларчин бўлади.

Бу нарсанинг нақалар ҳақиқатлигини ўзим меҳнат қилаётган шифохонадаги иш фаолиятимдан, курган-ларимдан аниқ тасаввур қиламан. Шифохонамизда бош миё фалажга учраган

болалар даволанишади. Бундай ногиронликнинг асосий сабаблари нима? Ҳомилдор аёлнинг ўз са-лооматлигига вақтида эъти-бор бермаслиги, айнисқа грипп, қизамик, қизилча, гепатит, камқонлик касал-ликларини вақтида даво-латмаслигига, бошқорон-иликнинг оғир ўтиши, но-хуш воқеалардан ҳаяжонла-ниш, ҳафатарчиликлар оқибатида ана шундай но-соғлом бола туғилиши мумкин. Шунингдек, туғиш пайтидаги асоратлар, яъни боланинг кўкариб туғили-ши, кам қон бўлиб туғи-лиши, шундай туғилган ча-қалоқларга ўз вақтида ёр-дам кўрсатилмагани боисе мининг турли қисмлари

зарарланади ва шунга қараб бош миё фалаж-ининг турлари келиб чиқа-ди. Бу касалликда, албатта ақлида, гапириш қобилия-тида ҳам ўзгаришлар бўла-ди, оғир тури бўлса бола бир умрга ногирон, ақли заиф бўлади, ота-она эса бир ум-рга узини айбдор санайди.

Чиндан ҳам кутган фар-занднинг — бахтининг бе-каму кўст туғилганига нима етсин. Шу боис ҳам ҳоми-лдор аёл ўз вақтида шифо-кор кўригиде бўлиши, унинг маслаҳатларини тўғри англа-ши ва бажариши, касаллик-ларни бекаму кўст давола-тиш керак. Шу билан бир-галикда оила аъзолари ҳам аёл ва туғилмак бола сало-матлигига масъул эканлик-


ларини доимо ёда тутиш-лари лозим.

Тўғри, ҳаётнинг мураккаб-ликлари, ҳаттоки кимларга-дир бешафқатлигини ҳам ўз кўзимиз билан кўраемиз. Ана шундай кўнгли яримта, ожиз одамларга, яъни ногирон-ларга ҳукуматимиз ва Пре-зидентимиз томонидан беки-ёс меҳрибонлик ва гамхўр-ликлар кўрсатилмоқда. Уларни даволаш, ҳаётнинг саодати, наъшу навосидан озгина бўлсада баҳраманд этиш бугун барчамизнинг бурчимиздир. Шу боис бўлса керак Соғлом авлод йили дастурининг олтинчи устувор йўналишида ана шундай ўқиб қалбларга дармон, қуч-қувват бўлиш кераклиги алоҳида таъкид-

ланди. Шуни алоҳида таъкидлашни истардим-ки, шифохонамизнинг хар бир ходими бу бора-да ўзгача ғайрат билан меҳнат қилмоқда. Бу ерда беморларга даволашнинг турли усуллари орқали хизмат кўрсатилади. Шу-нингдек, шифохонамизда мактаб ҳам бўлиб, синф-хоналар компьютер ва лингафон аппаратлари билан жиҳозланган. Ма-лакали шифокорларимиз даволашнинг илғор усул-ларидан оқилона фойда-ланиладилар. Даволаниш эса бепул. Хар бир даво топан фарзандларимиз эса — келажакимиз, бах-тимиз, оиламиз қувончи. Истардимки, юртимизда бирорта ҳам хаста диллар бўлмасин, аёлларимиз алп қочат Алломишу оқила. Барчиоилларни дунёга келтирсиналар.

Дилноза ҒИЁСОВА ёзиб олди.

ШАРҚ ДУРДОНАЛАРИ



● Ҳикоят: Тулки йўлда кетаётган бир чоҳнинг устидан чиқиб қолди. Қараса, сувсиз ва қоронғи экан. Шу он назари чоҳ тағида марвариддек ялтираб турган юмалок тошга тушди. Тулки у тош-ни пишлоқ деб ўйлади ва хирсининг баландли-гидан ўзини чоҳга ташлади. Бироқ, у пишлоқ эмас, тош эканини қўриб, гоят хафа бўлди. Аммо иш қўлдан кетгач, пушаймонлик ва паршонлик-дан нима наф!

Хар ишинг бўлар ўзининг вақти,
Иш болашдан аввал лозимдир ўйлаш.

Тулки ўз аҳолининг ноқорлигини кўргач, ўз қил-мишдан хижолат чекди. Унинг бир чора топиш-га мажбур ва на халос бўлишга қодир ҳаёли бор эди. У юз уриниб чора топпомагач, сабр қилиш-га қарор қилди ва иложини топса бирорта хийла ўйлаб топиш фикрига тушди.

Тулки чоҳ ичида ўтираркан, чоҳ сувсаб-очик-қан бир бўри айланган юриб, ноҳ тепасига келиб қолди. У ерда тулкининг ўтирганини кўрди ва ун-дан:

— Эй биродар, бу ерда нима қилиб ўтириб-сан? — деб сўради.

Тулки унга юзланди ва хийла йўлига ўтиб, шоша-пиша бўрига ҳалиги тошни кўрсатди ва деди:

— Кўнглимга пишлоқ ейиш орзуси келган эди. Шунинг учун уни излаб юрардим. Охири уни шу жойдан топдим.

Бу йўлда қанчалик жидду жаҳд этдим,
Охири кўрингани мақсада етдим!

Бўрининг қорни оч эди. Тулкига:

— Менга ҳам бир хиссасини бер, очлик гусса-сидан қутулай! — деди. Турли маколларга уста ва хар хил хийлаларга қон тулки бўрига қараб:

— Ке, бу ерга туш, ея қол! деди.

Бўрининг ўйлаб ўтиришга тоқати йўқ эди. Ўзи-нинг йўғон гавдасини ўткир иштаҳаси туфайли пишлоқ умидида сувсиз чоҳга отди. Пишлоқ ўри-га қаттиқ тошни қўриб, тулкига маломат тошини отиб деди:

— Эй маъун, бу кўзгаган фитнангнинг сабаби нима?! Нега бошимга бало тўфонини ёғдирдинг?

Тулки деди:

— Билмайсанми одам балога мубтало бўлса, бошқаларнинг ҳам шундай балога мубтало бўли-шини хоҳлайди.

Юк остида доим эзилган этак,
Ўзанинг эзилиб ўлишини хоҳлар.

Давом этиб деди:

— Мен келаятиб, бу чоҳга тушиб кетдим. Сени ҳам унга тушишинг, бошимга тушган кулфатга ҳамдам бўлишининг истадим. Шояд сен туфайли бу ўлим чангалидан қутулиб қолсам!

Улар ўзаро гаплашиб туришаркан, ногоҳ ҳо-тама ва хорисманд бир айиқ чоҳ тепасига келиб қолди. У чоҳ ичидагиларнинг дағдағаси-ю зам-замаларини эшитиб, нега бу чоҳга тушиб қол-ганларини сўради. Тулки бўрига айтган ёлғон га-пларини айиққа ҳам айтиб берди. Айиқнинг юра-гиде тама тулкини тўғон урди ва хирси аланга олиб, тезда ўзини чоҳга ташлади. Унинг оғир гав-даси сувсиз чоҳ остидаги тошга гуриллаб ту-шиб, суякларини синди. Тулки бу гулроҳнинг холи-ни қўриб дили шод ва гамлигидан жони озод бўлди.

Нишонпурик Пусий баён қилмиш ўй:
«Эшакнинг ўлими итлар учун тўй».

Тулки бўрига деди:

— Эй азиз, бу қандай иш бўлди! Бу аблаҳнинг ўлими биз учун ҳаёт демасдир!

Дуёнинг ишлари ажойибдир, бот,
Айиқнинг ўлими биз учун ҳаёт.

Сўнг бўрига деди:

— Қани тез ўрнингдан тур, сен бунинг бошига чик ва мен сенинг устинга чиқаман, шу йўл би-лан чоҳдан қутулиб оламиз.

Бўри унинг хайрли гапларини эшитиб, дарҳол ўрнидан турди ва унинг айтганини қилди. Тулки урина-уринга тепага чиқиб олди. Сўнг бўрига деди:

— Эй азиз, сен бир нафас сабр қилиб тур, мен арқон топиб келаман ва сени чоҳдан тортиб олам!

Тулки бўрини шундай ширин ваъдалар билан чоҳда қолдирди. Йўлдаги овчини етаклаб чоҳ у-стига олиб келди. Овчилар чоҳдаги бўри билан айиқни кўргач, тулкини тутишни ҳам унитиб бўри-нинг бўйига арқон солдилар, торта-торта юқори-га чиқариб олдилар.

Кимда хирсу нафс айласа жавлон,
Бўйига тушади бир кун арқон.

Хар ким хирсу нафсин айласа мақлуб,
Оқибат ишлари бўлади маруб.

ИБН КАМОЛПОШО.

● Сукрот ўз шоғирдларига насихат қилиб дер-ди:

— Баттар фақир бўлмай десангиз мол тўплаш-га хирс қўяман! Молу амвол ғаму андуҳнинг кўзидир. Адолат энг яхши нарсасидир. Чунки, у жа-мики яхшиликнинг белгисидир. Жабр энг ёмон нарсасидир. Чунки у барча ёмонликни юзага чиқа-рувчидир!

● Бир киши Сукрот олдида ўтирарди. Шу он у киши ўз гуломига:

— Бор, шаробфурушининг олдида бориб, бир кўза шароб олиб кел, пулини бошқа кўнга бе-ришга ваъда бер! — деди.

Сукрот унга қараб:

— Яхшии нафсингдан илтимос қил, сув ичиш-га кўна қолсин! — деди.

У айтди:

— Мол-дунё толиби кемада кетаётган кишига ўхшайди. Кемада кетаётган киши чўкиб кетма-ётган бўлса-да, бирор фалокат бўлмаса эди деб, доимо кўрқувда бўлади.

АБУ АҲМАД ИБН МУҲАММАД.
Маҳмуд ҲАСАНИЙ таржимаси.

Тўй — халқимиз йиллар оралиқ кутадиган энг бахтиёр, энг қувончли, шодна кун. Карнай-сурнай наволарини эшитган чоғимиз қалбимизда бир ширин антики уйғонади. Қандай бахтли хонадонда тўй бўлади, уйлаимиз ҳавас билан. Нариги маҳаллада бўлаётган тўйдаги ўйин-кулгулар, қувонқ қаҳқаҳалар шундоқ эшитилиб туради.

Яқинда маҳалламизда тўй бўлиб ўтди. Бир бадавлат хонадонга келин тушди. Никоҳ катта бир ресторанда жуда дабдаба билан ўтказилди. Тўйнинг таърифини кўни-кўшиллар бир зумда оқизмай-томизмай етказишди. Тўйда денг келин томондан келган аёллар нақ юз кишидан ошибди. Энг ачинарлиси, оқ доқа рўмол ўраган оналар қаторлашиб келиб тўрга чиқиб ўтиришди. Таникли хонандаларнинг кети узилмай, роса ўртани қизитишди. Ўйинчилар ўртадан чиқмай, пул сочишу қис-тир-кис-тирлар авжига чиқибди. Ёз эмасми, одам кўпчилигидан тўйхонада ўтирган меҳмонлар иссиқдан зўрға ўтиришиб, келин-куёв соғлиги учун кўтарилган қаҳқаҳалар, табрик сўзларининг ҳам кети узилмабди. Тўй айна қизиган чоғда бирдан гала-говур бўлиб, хотин-халаж тўдалашиб кўчага югуриб қолишди. Нима эмиш, тўйда ўтирган келин томондан келган бир кекса аёл иссиқ ва шовқин-сурондан ўзини билмай қолди.

Ха, тўймисан тўй бўлибдида, ўзим. Ҳамманинг оғзида тўйнинг таърифи. Тўйнинг эртаси кўни яна тўйнинг давоми бўлади. Тонг ёришар-ёришмас келин тушган хонадондан келин салом янграб бошлади. Бир оздан сўнг эса шўх қўшқлар авжига чиқиб, қийқир-қийқир, ўйин-кулги бошлади. Биз маҳалладош қўшқилар ҳам қизиб тўйхонага ошиқдик.

Ҳақиқатан, тўйхона ҳовлиси аёллар билан лик тўла. Ўртада учта санъаткор аёллар, бири олиб, бири қўйиб ашулани микрофонда жаранглатиб, аёлларни уянтишар, пул қистириш, пул сочишлар яна давом этарди. Ўйин-кулги узок давом этган, ана энди энг қизиги, келин салом бошлади. Санъаткорлар жўр бўлиб келин салом қўшиғини шунақам ўхшатиб, қўйиллатиб айтишдики, кўда томон ҳам «эриб» кетдики, кўёв томондагилар келиннинг бошига аталган совғаларни қаторлашиб қўя бошлади. Ана қўша-қўша гиламлар, катта хориждан келтирилган қўтиларда чинилар, бил-

лур идишлар, хуллас, қимматбаҳо совғаларнинг кети қўринмасди. Келин томон ҳам анойи эмас экан, кўёв томондан қўйилган ҳар бир совғага яраша қимматбаҳо совғалар чиқара бошлади.

— Кўрдингизми, қўшқилар, келин салом қанақа бўлишини, — туртиб қўйди ёнимда турган қўшим. — Кўда бўлиш келинга биланқўшқ тақди-я. Қўдалар ҳам зўр экан-а, қайнонага бриллиант қўли зирак чиқаришди.

— Ха, тенг-тенги билан деганларидек қўдалар ҳам жуда топилишибди-да, — сўхбатга қўшилди яна бир қўшни аёл. — Келин саломларимиз ҳам шунақа катта

патнисларни улоқтириб тўйхонадан араблаб кетиб қолганлар ҳам бўлибди.

Ана дангиллама тўйнинг томошаси. Қариндошлар ўртасида гина-қудурат, араблар, майда гап-сўзларга сабаб бўлаётган нарсалар. Ахир мана шу ортика дабдаба, ўзини ҳаммага кўз-кўз қилиш, меъеридан ошириб қилинаётган расм-русмлар, патнис-патнис сарполар сабаб эмасми мана шундай жанжаллар, дилхиралликларнинг содир бўлишига. Мана шу дабдаба, ортика манмансираш, меъеридан ошириб қилинаётган сарполар, патнис тарқатишлар бўлмаганда ортика гап-сўзлар, жанжаллару араблар ҳам бўлмаган бўларди-ку.

Маънавият

Тўй қандай яхши. Хурсандчилик, ўйин-кулгу билан ўтди. Лекин энг ачинарлиси, тўйларимиз, унда бўладиган олди-бердиллар, турли расм-русмлар ҳали ҳамон айрим кимсалар томонидан ҳаддан зиёд ошириб юборилмоқда.

Президентимизнинг 1998 йил октябр ойидаги тўй-ҳашам, оилавий тантаналар, маъража ва маросимларни тартибли ўтказиш ҳақидаги Фармонларидан сўнг кўпчилик ҳам-шаҳарларимиз жиддий ҳулоса чиқариб тўйларни ихчам, ортика сарф-харажатсиз ўтказмоқдалар. Минг афсус, гуруч қурмақсиз бўлмаганидек, айрим бойбачалар эса ҳеч қимни писанд қилмай хоҳлаганларича дабдаба билан янгича ўйлаб топишган урф-одатлар билан тўйлар қилишмоқда. Бундай кимсаларга нима дейиш мумкин? Тўқликка-шўхликми, ёки атрофдагиларга ўзини кўз-кўз қилиб макта-ниши... Икки ёшнинг бахтини ўйлаган ота-оналар фарзандларига фақат тахт ясай олишлари мумкин лекин...

Ортимизга тўйлар ярашади, фақат меъёрида, ихчам ўтказилган тўйларда фойда бўлади, барака бўлади, осоийшалик бўлади. Мана шундай хонадонларга бахт, тинчлик-хотиржамлик кириб келади. Ҳа, азизлар, ҳамма тўйга етказсин, тўйларга тўй улانسин. Халқимизда «Топган-тутганингиз тўйга буюрсин» деган ажойиб нақл бор. Ҳақиқатан, неча йиллар оралиқ кўтилган тўйларимизга боримизни тўқиб-сочамиз, албатта. Лекин меъёр, қадимий урф-одатларимиз, миллий қадриятларимиздан четга ўтмаган ҳолда ихчам ва гўзал, фойдали тўйлар қилайлик, азизлар.

Дурдона КАРИМОВА.




ТўйЛАРИМИЗ ~ ЎЙЛАРИМИЗ


тўйга айланиб кетибди. Ишқилиб икки ёш бахтли бўлишсин, — деди хайрон бўлганча. Ҳақиқатан, келиннинг бошига қўйилган бехисоб қимматбаҳо буюмларни қўриб қўйчилик қўни-қўшиллар ханг-манг бўлиб қолишди. Илгарилари бир соатга қолмай тезгина ўтадиган келин салом тўрт соатча давом этса бўладики. Санъаткорлар ҳам пулнинг қизигига тушиб чарчамагунларича роса ашула айтиб, эснаб ўтирган аёлларнинг барини уянтмагунча қўйишди.

Қўшимизникида бўлиб ўтган тўйнинг томошасини кейин эшитдик.

Тўй ўтган икки кундан кейин чарлар деган маросим ҳам жуда катта дабдаба билан ўтказилибди. Қўдаларнинг амма холиси, ола-синглиси, ҳатто қўшилларича патнис-патнислар ўстида сарполари билан жуда ошириб-тошириб қўйилибди. Бу қимматбаҳо сарпо-сурулларни қўриб амма-хололар бир-бирлариникини таққослаб, бир зумда қовоқ-тумшуклари тушиб, араблашга тушибдилар. Нега унга зўр сарпо келдию менга бундайроқ деб хафа бўлишиб, автобусда қўёвнинг уйига қайтгач, бир-бирларига аччиқ-қуруқ гаплар айтиб роса катта жанжал кўтарилибди. Тогораю



Ёз — ўтмоқда соз.



Насрий масаллар

ИНСОНЛАРДА ИНСОФ БОР

Тулки туяни маскаралаб қўлди: — Ҳамма аъзоларини эгри-бугри, ҳеч тўғри жойининг ўзи борми?

— Аъзоларим эгри-бугри бўлгани билан карвон бўлиб юрган йўлим, бажарган ишим, қалбим ва ниятим тўғри.

— Ҳар бир хайвоннинг ўзи нияти бор. Сенда чирой деган нарсанинг ўзи йўқ, бадбашара, буюк, бесўнақай, бедаво ва жуда хунуксан.

— Бўлса бордин. Лекин мен инсонлар келтирадиган фойдам билан чиройликман. Сутим уларни дарддан халос этади, жуним иссиқ қийим-бош, гўштим лаззат таом. Сен эса ўз нафсинг йўлида тоғуқ ўғирлашдан бошқасини билмайдиган, хайвон зотиға инсон келтирадиган махлуксан.

— Лекин мен ҳамма хайвонлар ҳавас қилдирган гўзалман.

— Турри, гўзалсан, лекин сеннинг ниятинг бузуқ, доим одамларга зарар етказасан. Гўштингни ит ҳам емайди. Тагин ҳам инсонларда инсоф бор, шундай ўғри ва айёр эканингни била туриб, эркаклар терингни қулқончи қилиб бошида, аёллар пальтосига ёқа қилиб елкасида кўтариб юрди.

Тулки ўта айёр, муғомбир ва гапга чечан бўлишига қарамай бу сафар туяга оғиз ҳам оч олмай қолди.

ҚАНОТ ҚОҚВОРИНГ-ЧИ...

Завизгон ўз ўғли учун қарқуноқнинг қизига совчи бўлиб келди. Сўхбат давомида қарқуноқ ундан сўради: — Бизнинг авлодимиз бориб бўлбўлга

тақалади, ўзлариники-чи?

— Загча билан қаттишган жойимиз бор, қарға энг ақил қариндошимиз бўлади. Эшитган бўлсангиз, у 300 йил умр кўради.

— Қизимизга қалин учун нима бера-сиз?

— Бриллиант қўли узук, ёқут қўли зирак, тилла соат ва феруза қўли қулон.

— Бу нарсаларни заргарга буюртирдингизми ёки сизга отангиздан мерос қолганми?

— Халиги... Нима десам экан?

— Нега қайналясиз? Инсонларга тегишли нарсалар сизнинг қўлингизга қандай тушиб қолди?

— Бизнинг тилла нарсаларга ўчилигимизни биласиз-ку!

— Ховлида унутиб қолдирилган тилла буюмларни ўмариб кетганман, денг.

— Ҳа, энди тилла буюмларнинг ерда ётгани яхши эмас-да!

— Одамларнинг сени «туҳуминг оғзиндан келсин» деб қарғанича бор экан. Ҳаром йўл билан мол-мулк орттирадиган қўшларга меннинг қўчада қолган қизим йўқ! Қани бир қанот қоқворинг-чи!

ЛАЗЗАТДАН МАҲРУМ ҚИЛМА

Эгизак ҳўтиқлар сотилганидан кейин уларнинг бири далага, иккинчиси шаҳарга тушди. Орадан уч йил ўтиб, бу ҳўтиқлар эшак бўлган вақтда сомон бозорига учрашиб қолди. Гапни далага тушган эшак бошлади:

Аҳволим жуда яхши. Ҳўжайин уйдан икки километр масофада дохончилик қила-

ди. Эрталаб далага миниб бориб, тушоваб қўяди. Кун бўйи ўзим хоҳлаган ўтин ейман, тўроққа ағаяман. Кечқурун қайтишда устинига икки бог беда ортиб, ўзи ҳам миниб олади. «Чу» дейиши билан уйга йўғалайман. Оғилхона қўшда иссиқ, ёзда салқин. Ем-хашак керагиндан ҳам ортиқча. Истаган вақтда овқатланиб, истаган вақтда ханграйман. Мазаза жойини топиб олдим. Ҳўш, ўзининг аҳволинг қалай?

— Аҳволим сўрама! Кўрган кўним қурсин. Ҳўжайиним ўлгудек хасис, тўйиб овқат емайман. Лекин, «эшакнинг гўшти ҳаром, қучи ҳалол» дейишни яхши кўради. У мени ҳўроз қичқирмасдан аравага қўшади. Кун бўйи юк ташийман. Кечқурун оғимни судраб, арағи уйга ётиб келаман. Кошки бу қурумсоқ тузқўроқ ем берса, фақат сомон билан кун кечираман. Қўш қўшлари атрофи ўралимаган ҳолда қалтираб чиқаман.

— Аҳволингнинг ёмонлиги қовурғаларингнинг саналиб қолганидан ҳам билиниб турибди. Энди бир маслаҳат, мен билан далага кетаю.

— Жон деб кетардим, аммо бир нарсани қўзим қиймайди.

— Нимани?

— Ҳўжайин жаҳли чиққанда ўғлини «эшак» деб сўқади. Агар билсанг ўғли эшак бўлганидан кейин отаси қари эшак бўлади-да. Инсонлар орасида бизнинг зотимизга тегишлилари борлигини эшитиб, теримга сиймай қўвонаман. Мени ўғлига тенг қўргани учун яйраб-қўвганиданан чарқоқларим ҳам, оғлим ҳам билганини кетади. Шу сабабли ҳар қанча оғирликча чидайман, мени бу лаззатдан маҳрум қилма, оғайин-чалчи.

Убайдулла АБДУЛЛАЕВ.

Маълумлар

РАВОЧ

Равочнинг 40 тури бор. Марказий Осиё ва Хитойда кенг тарқалган. Бу кўпйиллик ўсимлик бўлиб, бўйи 1,5 метргача боради. Ёввойи ва экинлаштирилган равождан мураббо, шира, компотлар, мармелад ва бошқа махсулотлар тайёрланади. Қадимда равоч илдизи териларни ошлашда ва бўяшда ишлатилган.

Халқ табибатида равочининг шираси, пояси қувват берувчи, камқонлик, ҳароратни туширувчи, қон босимини пасайтиради ва заҳарларга қарши қўлланилади. Иш-тахани очади, энгизган хасталикларда, ўт (сафро) ишлаб чиқариш тизимида, ўт йўли, сил хасталигида, ба-восилда, сурункали қабзиятда, шамоллаганда ажойиб малҳам бўлади.

Ошқозон-ичак хасталигида эм бўлади. Ич кетиш, буйрак оғриқларида, бачадондан қон кетганида яхши наф келтиради.

Табобат илмининг бобоқалони Абу Али ибн Сино равоч ҳақида шундай ёзган: «...Равоч илдизини сиркага қўшиб суртлса ва у билан сурғи қилинса, сеппак ва теридидаги (ярадан) қолган изларга фойда қилади. Йиқилиш ва урилишларда жуда фойдалидир. Астма ва қон туфлашда, чўзма ва даврий иситмаларда фойдалидир...» Х асрда яшаб, табибик қилган Абу Мансур ёзишча равоч уруғи ҳам шифобахш экан. Шу ўринда, кези келганда бир ривоятни эътиборингизга ҳавола эта-миз:

Жуда қадим замонда бир мушфиқ аёлнинг бирин-кетин олти нафар фарзанди воғга етмай нобуд бўлибди. Еттинчи фарзанд тетапоя бўлганида, Ҳумо қуши аёлга қандайдир ўсимлик уруғини ташлаб кетибди. У аввалига ажабланибди, сўнгга: «Экиб кўрайчи, нима-нинг уруғи экан», дея ерга қадабди. Уруғ униб чиқибди. Бир жўфт барг пайдо қилибди. Энди авж оламан деганда тўсатдан қурғоқчилик бошланиб, гиёҳ сувсиз-ликдан сўлибди. Шунда аёл гўдагига аталган кўрак сутини сув ўрнида унга қўйибди. Гиёҳга секин-аста жон кириб, барваж ўсиб унибди. Аёлнинг еттинчи фарзанди ҳам машум дард тегиб, бола гармсел урган гўздай сўлиб, сарғая бошлабди. Она фарёд чекибди, ўзини ҳар ёнга урибди, барибир олти фарзандини юлиб, еттинчисига чанг солаётган қўнатдан оқ-нола билан қутулмаслигини ағнабди. Дафтанан, кўрак сутини билан сугориб, воғга етказгани — Ҳумо қуши ҳада этган уруғдан унган ўсимлик ёдига тушибди. Ўсимликка озор бермай, биттагина шохчасини синдириб, гўдагининг оғзига тутган экан, бола тамшанибди. Эртаси кун гўдак тузалиб, ўрнидан турибди. Ана бир шохчасини синди-риб едирган экан, болакай югургилаб, чопиб кетибди. Аёл гиёҳдан беҳад миннатдор бўлиб, унинг уруғлигини кунгай жойларга селиб чиқибди. Шундан равоч кўпайибди. Воқеадан кейинчалик хабардор бўлган одамлар ҳам бу ўсимликка меҳр қўйишди. Равоч ўзининг шифобахш хусусиятларини она сутидан олган бўлса, ажаб эмас!

Равоч таркибиде С, А, В-1, В-2, В, Е, В-15 сингари дармондорилар, органик кислоталар, қанд, пектин, мак-ро элементлар — натрий, калий, магний, темир, йод сақлайди.

Равоч сариқ хасталигида, юракнинг тез уришида, қизамиқда, қўнгил айниганида яхши самара беради. Ошқозон ширасининг ажралишини кучайтиради, ошқозон девори шиллиқ қавати капиллярларининг турғун-лигини оширади.

Равочни оч қоринга тавсия этилмайди, айниқса ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яраси бор кишиларга мумкин эмас, чунки қаттиқ оғриқ бериши мумкин ва асорати бўлади. Шу билан бирга, равоchini кўп қўллаш буйракда тош пайдо бўлишига олиб келади. Яна қон ивиши фаолиятини бузади. Кальций тузларининг ичка-да сўрилишидан издан чиқаради. Шу боис меъёрида қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ,
доришunos.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар деҳқон, буюм бозорлари ва савдо ярмаркалари уюшмаси —

«Тошбозортайёрловсавдо» бошқаруви, уюшма аппаратурининг бўлимларида ишлаш учун 30 ёшгача бўлган олий маълумотли иқтисодчи, муҳосиб ва ҳуқуқшунос мутахассисларни танлов асосида ишга таклиф қилади.

Мурожаат учун манзилимиз:
Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннахр кўчаси, 31-уй.
Мўжал — Тошкент автомобил йўллари институти. Телефонлар:
136-71-73, 136-71-76, 136-71-61, 133-51-56. Факс: 1369-71-81.
Уюшма бошқаруви.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд қунари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қўтловларни, никоҳ эълонлари ва шунча ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёртади.

Эълонлар шанда ва акшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95.

Факс: (3712) 133-29-09.

МАНЗИЛИМИЗ:
МАТБУОТЧИЛАР Кўчаси, 32-уй,
2-ҚАВАТ, 204-ХОНА.

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси жамоаси бошқарма бош мутахассиси Абдор Мейлиқовули Бердиевга укаси **КАҲХОР БЕРДИЕВНИНГ** бевакт вафот этганлиги муносабати билан чўқур таъзия илҳор қилади.

Педиатрик илмий текшириш институти жамоаси бўлим мудири Нафиса Султановна Хайтовга онаси **НАИМА ХАЙТОВНИНГ** бевакт вафот этганлиги муносабати билан чўқур ҳамдард-лик билдиради.



Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39,
факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума

қунари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 209

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.

Қоғоз бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари

бўйича турар жойлардаги почта

бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»

— 133-74-05 телефонига мурожаат

қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўттиш тартиби: №10.

«Шарқ» нашриёт-матбаа

концерни босмахонаси.

Корхона манзили:

«Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.